



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI TRANSPORT VAZIRINING БУЙРУҒИ

Ўзбекистон Республикаси “Фуқаро авиациясини аэронавигацияси” авиация қоидаларига (ЎзР АҚ - 93) ўзгартиришлар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 февралдаги ПФ-5647-сон “Транспорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармониға мувофиқ буюраман:

1. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2011 йил 11 октябрдаги 124-сон буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси “Фуқаро авиациясини аэронавигацияси” авиация қоидаларига (ЎзР АҚ-93) иловаға мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш “Ўзавиация” агентлиги директори в.б. Т.Э. Ульжаев зиммасига юклансин.

Вазир



Э. Ганиев

Тошкент ш.,

2020 йил 15 06

13 -сон

Ўзбекистон Республикаси
транспорт вазирининг
2020 йил “15” июндаги
13-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаро авиациясини аэронавигацияси”
авиация қоидаларига (ЎзР АҚ-93) киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Рус тилидаги 128-банднинг “е” кичик бандидаги “Государственной инспекции Республики Узбекистан по надзору за безопасностью полетов (далее – Госавианадзор)” деган сўзлар “Агентства гражданской авиации при Министерстве транспорта Республики Узбекистан (далее – Агентство «Узавиация»)” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Рус тилидаги 133-банддаги “Госавианадзором” деган сўз “Агентством «Узавиация»” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. Рус тилидаги 134 ва 181-бандлардаги “Госавианадзор” деган сўзлар “Агентство «Узавиация»” деган сўзлар билан алмаштирилсин.